O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 13 YANVAR ◆ SHANBA ◆ № 7 (26.709)

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли дўстлар, азиз фарзандларим!

Аввало, юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз мустақиллиги, осмонимиз мусаффолигини кўз қорачиғидек асрашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, барча аскару сержант, офицер ва генералларни ҳамда фахрийларни умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий мубораклаб этаман.

Инсоният янги аср, янги минг йилликка қадам қўйди. Ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ушбу асрда дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини, ўз мавқеини эгаллашга интилиши табиий, албатта. Биз ҳам катта, ёруғ орзуниятлар билан янги минг йилликка кириб келдик.

Пировард мақсадимиз, истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этган ҳолда, халқимизга тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш ва ҳимоялаш, юксак маърифий-маданий салоҳиятга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари орасида ўз нуфузимизга эга бўлишдир. Бундай эзгу мақсадларга буюк келажакка интилган халқгина эришади.

Ушбу ниятларнинг рўёбга чиқиши учун биринчи навбатда Ватанимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш даркор. Чунки шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, эл-юрт тинчини бузишга уринадиган қора ниятли кучлар бизга таҳдид солиб тургани барчага аён бўлиши керак.

Юртимиз тинчлиги, бахтли келажагини асраш, уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифа сизларнинг зиммангизга юклатилган.

Тарихдан маълумки, юртимиз бошига оғир, синовли кунлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга қодир мард фарзандлари кўкрагини қалқон қилиб ёвга қарши чиққан.

Азиз фарзандларим!

Сизлар Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби довюрак, жасур, ватанпарвар буюк саркардаларнинг ворисисизлар. Уларнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, оналаримиз, опа-сингилларимиз, оиламиз бахт-саодатини, фарзандларимиз келажагини фидоийлик билан ҳимоялашга даъват этади.

Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларида халқимиз олдидаги фарзандлик бурчини адо этаётган минглаб ботир ўғлонларимиз бу ҳақиқатни юракдан ҳис этиб, уни ўз ҳаётларининг маъно-мазмуни деб билишлари барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этади.

Ўтган йили чегара ҳудудларимизда террорчи тўдаларга қарши мардона жанг қилган, бу йўлда жонини ҳам фидо этган қаҳрамон ўғлонларимизнинг жасорати бунинг ёрқин далилидир.

Шундай мард ва иродали фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга чин юракдан раҳматлар айтишни ўзимнинг шу давлат раҳбари сифатида бурчим деб биламан.

Бугунги кунда дунёдаги халқаро аҳвол, минтақамиздаги нотинч вазият армиямиз олдига янги ва янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу Қуролли Кучларимизни тубдан ислоҳ этиш, барча зарур қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминланган, тезкор, жанговар қобилияти юқори, ихчам, юксак профессионал тайёргарликка эга бўлган армияни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Бу ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда давлатимиз, халқимиз барча имкониятларни ишга солмоқда.

Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлган ҳарбийларимиз ғалаба қўшиннинг сони билан эмас, балки жангчининг мардлиги, ирода ва матонати, жанговар маҳорати билан қўлга киритилади, деган ҳикматни доимо ёдда тутишлари даркор.

Сизларни қутлуғ шодиёна билан яна бир бор табриклар эканман, ҳар бирингизни бағримга босиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жанговар фаолиятингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА, ИЧКИ ИШЛАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲАМДА БОЖХОНА ҚЎМИТАЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Қуролли кучларининг жанговар тайёргарлигини ошириш, давлатимиз сарҳадлари даҳлсизлигини ҳимоя қилишдаги жасорати ва мардлиги, иқтисодий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги фидокорона хизматлари, халқ осойишталигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қўшаётган салмоқли ҳиссалари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ибрагимов Жўрабек Муталович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисми отрядининг катта йўриқчиси

Эргашев Исмаил — Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони

II-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдувалиев Тошмухаммад Норматович — Тошкент вилояти Божхона бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Абдумажидов Сарвар Турсунбаевич — Мудофаа вазирлиги бўлинмасининг катта мутахассиси

Гордиенко Виктор Александрович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штабининг взвод командири ўринбосари

Екабсонс Янис Арвидович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитага қарашли отряд командири ўринбосари

(Давоми 2-бетда)

САМАРҚАНД ЖАВОҲИРЛАРИ ИТАЛИЯДА

Ўзбек заргарлик санъати тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мустақиллик шарофати билан самарқандликлар аждодларидан мерос бу ҳунарни қайта тикладилар. Хусусан, Италияда «Самарқанд жавоҳирлари» кўргазмасининг очилиши миллий ҳунармандчиликнинг жаҳон айвонида яна юз кўрсатаётганидан нишонадир. 200 дан ортиқ заргарлик санъати намуналари қўйилган бу кўргазма италияликларда катта қизиқиш уйғотди. Ишбилармон ва йирик фирмаларнинг тадбиркорлари кўргазмага ўзига хос ёндошмоқдалар.

❑ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланиб, иш жараёни уч сменада ташкил этилган. Маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқари МДҲ давлатлари ва Эронга экспорт қилинмоқда. Ҳар йил 450 минг тонна металл қайта ишланиб, ундан тайёрланган турли хилдаги швеллер, угольник ва прокатлар тайёрланади. Мустақиллик шарофати ила корхонага четдан хомашё келтириш муаммоси бартараф қилинган.

— Комбинатнинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун Россиянинг «Уралмаш» ва «Сибэлектрон» заводлари билан шартнома тузганмиз. Шартнома бўйича олиб келинган битта печнинг қурилиши тугалланди, — дейди комбинат директори ўринбосари Баёз Миркомилов. — Янги печ ишлай бошлаши билан меҳнат унумдорлиги янада ошади, маҳсулот сифати яхшиланади.

Хайрли ишлардан яна бири бултур ёздан бошлаб 3 литрли шиша банкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани. Қисқа даврда 1389 минг дона банка ишлаб чиқарилди. Бу режага нисбатан 101,8 фоизни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, металлургглар янги асрда мустақил юртимиз келажаги порлоқ бўлиши учун муносиб ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилишмоқда.

❑ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ**

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз ва халқингизга Янги йилда бахт ва тинчлик тилайман. Камоли эҳтиром билан,

Йоханнес РАУ,
Германия Федератив Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Кипр Республикаси Президенти Глафкос Клеридис рафиқаси билан Сизга Янги йилда бахт-саодат тилайдилар.

Глафкос КЛЕРИДИС,
Кипр Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил байрами билан муборакбод этаман!

Стефан МЕСИЧ,
Хорватия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилингиз муборак бўлсин!

Вайра Вике-ФРАЙБЕРГА,
Латвия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилда тинчлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилаб энг самимий тилаклар билан,

Исроил Давлати Бош Вазири
Эҳуд БАРАК ва унинг рафиқаси НАВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 11 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодиёт комплексининг ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самарадорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди. Кенгаш йиғилишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашда Юртбошимизнинг сўзлаган нутқини ўқиб туриб, дилимдан анчайин фикрлар ўтди. Ўзим фермерман, 12 гектар еримиз бор. Шундан 7 гектари шафтолизор. Шафтоли нозик мева. Териб олингандан сўнг, қисқа муддатда қуритилмаса ёки қайта ишланмаса, тез бузилади. Йилига 15-20 тонна шафтоли етиштираман. Аммо, сотишга келганда...

Фарғона консерва заводига мурожаат қилдим. Аммо улар мевани олишмади. Қайта ишлаш учун қувватлари етмас экан. Бозорда сотиб улгурмадик. Оқибатда бир неча тонна шафтоли нобуд бўлди. Тўғри, иложи борича туршак қилдик. Бироқ, етилган тонналаб шафтолини туршак қилиш учун замонавий техника керак. У эса бизда йўқ. Президентимиз ҳаққоний равишда таъкидлаганларидек «...мева-сабзавотчилик тармоғи ва у билан боғлиқ қайта ишлаш саноати корхоналарининг ҳозирча фойдаланилмаган улкан ресурслари, бу соҳани жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятлари хусусида» кўплаб фикрлар айтиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари шу соҳада қўйган вазифаларни амалга ошириш юртимиз фаровонлигига хизмат қилиши тайин.

❑ **Аҳмадали ТЕШАБОЕВ,**
Қувасой шаҳридаги «Азиз» фермер хўжалиги бошлиғи

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, самарадорлигини оширишда республика Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодиёт комплексининг масъулияти улкан.

Куни кеча бўлиб ўтган идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида асосий эътибор мазкур комплекс таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, концерн, компания ва идоралар ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самарадорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди.

— Иқтисодиёт ривожи, унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилиши даркор. Ҳар қандай тармоқ, ҳар қандай соҳа ўз натижалари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим, — дея таъкидлади Президент ўз нутқида.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кўпгина идоралар, ишлаб чиқариш тармоқлари орасида бир-бири билан узвий боғлиқликнинг йўқлиги, фақат ўз манфаатларидан келиб чиқиб иш юритаётганлиги, фаолиятнинг тор доираларида қолиб кетаётганлиги ажабланарли ҳол, албатта. Бозорни ўрганмай, куним ўтса бўлди, қабилида иш юритаётган, ишлаб чиқарган маҳсулоти сотилмай, омборларда чанг босиб ётган саноат корхоналари мамлакатимизда йўқми? Бор. Бундай иш услубига эга ишлаб чиқариш тармоқлари нафақат ўзининг «синиши»га, балки республикамиз иқтисодиёти ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, бугунги куннинг талаби омбор учун эмас, балки бозор учун, халқ учун сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда.

Бир пайтлар Тошкент шаҳрини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан тўла таъминлайдиган, Зангиота тумани ҳудудида жойлашган Ўртаовулдаги ҳайҳотдай гўшт комбинатининг бир ишлаб, бир ишламай турганлигини ёки бўлмаса, «Ўзгўштсутсаноат» тизимидаги бу сингари корхоналарнинг мамлакатимизда талайгина эканлигини инобатга олсак, соҳада жиддий ислоҳотлар ўтказиш зарурга ўхшайди.

Ҳақиқатан, бугунги кун, бугунги замон ҳар биримиздан тадбиркорликни талаб қилмоқда. «Олма пиш, оғзимга туш» даври ўтган. Кимки ишласа, елиб-югурса, юртига, халқига садоқатли бўлсагина ҳаёти фаровон, оиласи тинч, обрў-эътибори юксак бўлади.

❑ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҒУРУР

❑ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

◆ МИННАТДОРЧИЛИК

«РАҲМАТ, СИЗГА АЗИЗ ОДАМЛАР!»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 4 январь сонида эълон қилинган «Медалнинг эгаси ким?» сарлавҳали мақолада айтилган «Шуҳрат» медалининг эгаси топилди. 75 ёшли меҳнат фахрийси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 19-мавзе, 4-уй, 26-хонадон соҳибаси Раиса Жадяева топилдиқдан миннатдор бўлиб шундай ёзади: «Қарияларнинг энг севимли машғулоти — газета ўқиш. Газетага қизиқишим, эътиборим зўр. Менинг камтарона меҳнатимни ҳукуматимиз муносиб тақдирлаган эди. Минг афсуски, кексалик туфайли мақолада кўрсатилган рақамли «Шуҳрат» медалимни қаерга, қай алфозда тушириб қўйганимни билмайман. Катта маънавий бойлигимни йўқотганимдан кўп куйиндим. Юртимизда яхши одамлар кўп. Шундай одамлар орасида умргузаронлик қилаётганимга шукр.

«Ўзбекистон овози» таҳририятига ўз миннатдорчилигимни етказмоқчиман. Чунки сизлар мен йўқотган медалимни топишда ёрдам бердингиз. Бу савобли иш учун чин кўнгилдан раҳмат, сизга азиз одамлар!

❑ **Жадяева Раиса МИХАЙЛОВНА»**

«ТЕЗ ЁРДАМ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Тўрткўл туманида шошилинч тиббий ёрдам маркази ишга туширилди. Барча қулайликларга эга бўлган бу маскан 30 ўринли бўлиб, қабул, ташхис, жарроҳлик, терапия, реанимация бўлимлари бор. Ҳозир бу ерда малакали шифокорлар хизмат кўрсатишни бошлаб юбордилар.

❑ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ҲАММА НАРСАНИ БИЛИШНИ ИСТАЙМАН»

Мен 7-синфда ўқийман. Ўқишларим яхши ва аъло. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги бизга яхши дарс беришади. Фақат дарсликдан четга чиқишмагани бизни сал ранжитади. Ватанимиз мустақил бўлганидан кейин телевидение ва радио, газета ва журналларда ҳамма нарса ҳақида рўйрост айтилмоқда. Биз ўқувчиларнинг эса ўқишимиз дарсликлардан нарига ўтмайди. Ҳозирги замонда фақат катталар эмас, балки ўқувчилар ҳам ҳамма нарсани билишни истайдилар. Шу жумладан мен ҳам. Шунинг учун сизларга бир таклиф билан мурожаат қилаяпман. Ҳамма мактабларнинг кутубхоналарига энг керакли бўлган нашрлар «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Оила ва жамият», «Постда», «Сирли олам» каби газеталар ҳомийлик йўли биланми етказиб берилса... Шу газеталардаги янгилик ва хабарларни ўқитувчиларимиз бизга дарсдан ташқари вақтда изоҳлаб беришса.

❑ **Сайёра САПИЕВА,**
Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Воҳид Каримов номидаги 1-ўрта мактабнинг ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА, ИЧКИ ИШЛАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲАМДА БОЖХОНА ҚЎМИТАЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жўраев Фарход Ёркинович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги бўлинма командири

Зулимов Ильхом Нурумбекович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг хизмат кўрсатиш гуруҳи старшинаси

Лагутин Олег Вячеславович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг отряд командири

Салихбаев Анвар Сагитович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умаров Имомали Акбарович — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси отряд бошлиғининг ўринбосари, штаб бошлиғи

Усаров Акбар Меликулович — Мудофаа вазирлиги отрядининг катта мутахассиси

Хаджиев Менглибой — Сурхондарё вилояти Музрабод тумани ички ишлар бўлими участка инспектори

Хажиметов Зафар Абдукодирович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хикматов Рустам Патхуллаевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

Хусаинов Хайрулло Гулям-Мирзаевич — Мудофаа вазирлиги гуруҳ командирининг ўринбосари

Эрматов Олим Иминович — Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт гуруҳи командири

Қосимов Вячеслав Темирович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Атамухамедов Вохид Боқижонович (марҳум) — Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ички ишлар бошқармаси милиция таянч пункти инспектори

Бекмуродов Салохиддин Элмуродович (марҳум) — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-ҳайдовчиси

Саидаҳметов Икромжон Сотимбоевич (марҳум) — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг катта ўт ўчирувчиси

Сергеев Сергей Николаевич (марҳум) — Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг газэлектрпайвандчиси

Солихонов Авазбек Жўрабекович — Мудофаа вазирлиги миномёт секциясининг расчёт командири

Тагаев Марат Пулатович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Туллаев Дилшод Бахшуллоевич — Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

Умаров Рахмат Нигматович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

Ходжаев Алишер Абдукаримович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штаби Узун чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

Ходжаев Мамат Ибрагимович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Худойбергенов Рузимбой Юлдашевич — Хоразм вилояти Шовот тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

Шабанов Дмитрий Абдурасулович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи отрядининг разведка-қидирув гуруҳи командири ўринбосари

Эмираджиев Эрфан Диляверович — Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт қисмининг катта учувчиси

Каримов Рустам Собитович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Каробаев Абдуманноб Сативолдиевич (марҳум) — Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили

Кенжаев Анвар Хайдарович — Термиз ҳарбий прокурори

Козлов Кирил Владимирович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг отряд командири

Салихбаев Анвар Сагитович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мавлонов Ойбек Уринбоевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи отрядининг фельдшери

Мирахмедов Аброржон Адхамович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси отрядининг милиционер-кинологи

Муминов Эркин Акмалович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухтаров Фарух Шахобиддинович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нишонов Икбол Мамашарифович — Чирчиқ танк қўмондонмуҳандислик олий билим юрти курсанти

Нишонов Пўлатхўжа Эркинович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг отряд милиционери

Оллоёров Рустам — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пошшокулов Хамдам Юсуфалиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг отряд разведкачиси

Пулатов Бахтиёр Адилович (марҳум) — Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Раҳимов Ҳикмат Тошевич — Мудофаа вазирлиги отрядининг мергани

Рўзиев Мамашо — Қашқадарё вилояти Косон тумани ички ишлар бўлими милиционер-ҳайдовчиси

Саидаҳметов Икромжон Сотимбоевич (марҳум) — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси 18-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг катта ўт ўчирувчиси

Сергеев Сергей Николаевич (марҳум) — Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг газэлектрпайвандчиси

Солихонов Авазбек Жўрабекович — Мудофаа вазирлиги миномёт секциясининг расчёт командири

Тагаев Марат Пулатович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Туллаев Дилшод Бахшуллоевич — Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

Умаров Рахмат Нигматович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

Ходжаев Алишер Абдукаримович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штаби Узун чегара ҳудудининг чегара пости бошлиғи

Ходжаев Мамат Ибрагимович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Худойбергенов Рузимбой Юлдашевич — Хоразм вилояти Шовот тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

Шабанов Дмитрий Абдурасулович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи отрядининг разведка-қидирув гуруҳи командири ўринбосари

Эмираджиев Эрфан Диляверович (марҳум) — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг кичик инспектор-кинологи

Яковлев Олег Эдуардович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қаҳҳоров Фарход Тахирович — Чирчиқ танк қўмондон-муҳандислик олий билим юрти курсанти

Қосимов Аваз Донаевич — Жиззах вилояти божхона бошқармаси «Арнасой» божхона пости кичик инспектор-кинологи

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Апалеев Минехан Закиевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати электромеханиги

Блинов Алексей Сергеевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг чегарани қўриқлаш бўйича ҳамкорлик қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Гозиев Шоюнус Аюбжонович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосари

Зиядуллаев Фахритдин Нажмиддинович — Мудофаа вазирлиги артиллерия қисмининг дивизион старшинаси

Короткова Вера Михайловна — Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Литвинов Сергей Иванович — Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг моддий-техника таъминоти ротаси бирлашган устахонаси бошлиғи

Махмудов Хамза Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи

Норматова Юлия Петровна — Самарқанд вилояти Булунғур тумани ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиғи

Нурмуродов Илҳомжон Эргашевич — Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Тешаев Илхом Баратович — Бухоро вилояти Божхона бошқармасининг «Бухоро-2» божхона пости бошлиғи

Узаков Шухрат Шарапович — Шарқий ҳарбий округининг ҳарбий прокурори

Хасанов Бахтияр Турабович — Мудофаа вазирлиги автомобилларни таъмирлаш заводининг бошлиғи

Холматов Нигмат — Ички ишлар вазирлиги ташкилий-инспекторлик бошқармаси бўлимининг тезкор навбатчиси

Юсупов Алишер Тўлқинович — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилояти кенгаши раиси

Ватанимизнинг мудофаа қудратини ошириш, чегараларнинг дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини таъминлашдаги фидокорлиги, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Манапов Оримбай — Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бошқармасининг ҳарбий прокурори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Ходжаев Алик Хабибуллаевич — Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари халқаро божхона ҳуқуқи бўлими бошлиғи

Черкасов Фёдор Васильевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Супиходжаев Бобоходжа — Мудофаа вазирлиги бош жарроҳи

Юртимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги катта хизматлари учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Алашов Шайхали — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Аннагельдиев Рузикул Тураевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штаби Термиз алоҳида чегара назорати тезкор бўлими катта офицери

Беккулов Сагдулла Бахронович — Навоий ҳарбий суди раиси

Дастенов Абат Реймович — Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармасининг контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими бошлиғи

Жўраев Саидобид Тўрахўжаевич — Қарши ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Калибаев Ондасин Дарибаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими катта инспектори

Маъмуров Сидиқжон Абдурайимович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Минаваров Сабиржан Джураевич — Давлат божхона қўмитаси Ўқув маркази бошлиғи

Насиров Сабиджон Ильхамович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рамазанов Азамат Норбоевич — Мудофаа вазирлиги артиллерия тўпчи дивизионининг командири

Рахмонов Искандар Рафиқович — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси

Сербин Виктор Николаевич — Тошкент ҳарбий чегарачилар олий билим юрти катта ўқитувчиси

Хусенов Ботир Рузимович — Мудофаа вазирлиги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округининг муҳандис-сапёрлар батальони командири

Чжен Эдуард Сам-Намович — Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

Шамурадов Алишер Хамидуллаевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эшқулов Бахром Мажидович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 январь

ИСТИҚБОЛЛАРИ ИСТИҚЛОЛ

Ғаллаорол туманининг Жиззах вилоятида алоҳида ўрни бор. Бу ерда ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик асосий тармоқ ҳисобланади. Аммо, экин майдонларининг асосий қисми лалми ерлардан иборат эканлиги бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Кейинги пайтда туманда тадбиркорлик билан иш юритилаётганлиги, хориж сармоясини олиб келишга алоҳида эътибор берилаётганлиги, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилаётганлиги боис муаммолар аста-секин ўз ечимини топмоқда. Бугун туман қишлоқ хўжалигида фермерларга алоҳида эътибор берилаётганлиги сабабли иқтисодиётда ўсиш кўзга ташланаяпти.

Биз туман ҳокими Абдумалик Абдусаидов билан хориж сармоясини олиб келиш борасида амалга оширилаётган ишлар, муваффақиятлар омили ва мамлакатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай ижро этилаётгани тўғрисида суҳбатлашдик.

— Абдумалик Абдувоҳидович, хориж сармоясини олиб кириш иқтисодий ислоҳотларни изчил жорий қилишнинг узвий давоми ҳисобланади. Айни пайтда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг неча фоизи туманда қайта ишланмоқда? Умуман бу борада амалга оширилаётган ишлар сизни қониқтирадими?

— Ўзимизда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлашни ҳаёт тақозо қилмоқда. Тўғриси, илгари бунга эътибор берилмаган. Шу боис минг-минглаб тонна мева, сабзавот ва узум бошқа шаҳарларга юборилар ва у ерда қайта ишланиб, фойдасини бошқалар кўрар эди. Биз Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бу борада олдимизга қўяётган вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур ишга алоҳида эътиборни қаратяпмиз. Ҳозир туманда бир қанча қўшма корхоналар, цехлар фаолият кўрсатаяпти. Айниқса, чет мамлакатлар билан ҳамкорликда ишга туширилган корхоналар самарали ишламоқда.

1999 йили ана шундай иккита корхона ишга тушди. Улардан бири — «Ғаллаоролшароб» ҳиссадорлик жамияти Украинанинг «Лира» хусусий фирмаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Ҳозир у «Ғаллаорол — Белогорск» масъулияти чекланган жамият деб номланган. Унинг низом жамғармаси 380 минг АҚШ долларидан иборат. Корхона айни пайтда спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

«Лалмикор» матлубот ҳиссадорлик жамиятида хорижий кредит ёрдамида «Лалмикор-Ш» кичик корхонаси ташкил қилинди. Унга Италиянинг «Техногри-Проджект» фирмасидан қиймати 114230 АҚШ доллари турадиган, йилига 530 тонна макарон маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ускуна олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган макарон маҳсулотлари харидоргир бўлиб, республикамизнинг барча вилоятларига жўнатилмоқда.

Ўтган йили Россиядаги «Бальтимор-холдинг» масъулияти чекланган жамият билан биргаликда «Бальтимор-Ғаллаорол» корхонаси очилди. Бу ерда туманимизда етиштирилган мевалар қабул қилиниб қайта ишланади. Бу хўжаликлар учун ҳам ниҳоятда қулай ва фойдали бўлди. Маҳсулотга ҳақ тўлаш ўз вақтида амалга оширилди. Ҳозир корхона тамғаси билан бир неча турдаги маҳсулотлар Россияга жўнатилмоқда.

Ўзимизда мавжуд хомашё ва табиий имкониятларни ҳисобга олиб жорий йилда ҳам бир неча қўшма корхоналар очиш режалаштирилган. Масалан, россиялик ишбилармонлар билан волластанит ватаси «Қўйтош кони» деб номланган кичик корхонада ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 30 фоизи четга экспорт қилинади. Шунингдек, «Кўкбулоқ» ширкат хўжалигида Германиянинг «Арен ҳофиз» фирмаси билан бир ойда юз тонна жунни қайта ишлайдиган корхона қурилиб маҳсулотнинг 50 фоизини четга жўнатиш, Т. Худоёров номидаги ва «Музбулоқ» хўжаликларида исроиллиқ тадбиркорлар билан мевадан шарбат оладиган цехлар, «Ғаллаоролпарранда» ҳиссадорлик жамиятида тухум кукуни ишлаб чиқарадиган корхоналарни очиш кўзда тутилмоқда.

— Мамлакатимизда ёш авлодга катта эътибор берилаяпти. Кейинги йилларда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир. Бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Мазкур соҳада аниқ дастур асосида муайян ишлар олиб борилаяпти. Ҳозир 83 та умумтаълим мактаби, тўртта иқтидорли болаларнинг лицей- интернати, 22 та мактабгача тарбия муассасаси, агробизнес коллежи, тиббиёт билим юрти, ёшлар ижодиёт маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, саноат коллежи фаолият кўрсатаяпти. Ушбу таълим даргоҳларида сабоқ бераётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида аттестация ўтказилди. Натижада мактаб ва болалар боғчаларидан 12 раҳбар ўз вазифасига нолойиқ деб топилди. Бир неча раҳбарлар эса синовдан шартли равишда ўтди.

Туманимизда 1999 йилда бўлиб ўтган Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъат йиғилишида таълим-тарбия борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди. Туман халқ таълими бўлими қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази ташкил қилинди. Унинг тавсиясига мувофиқ 1999 йили 418 нафар, 2000 йилда эса 406 нафар олти ёшли бола биринчи синфга қабул қилинди. Туманимиз мактабларида таълим олаётган бир неча юқори синф ўқувчилари вилоят олимпиадасида биринчи, республика босқичида эса бир киши фахрли ўринни эгаллаганлиги бизни қувонтирди.

Кейинги пайтда замонавий илм масканлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Охирги йилларда 1320 ўринли олтита янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йили туман марказидаги ҳунар лицейи жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада қайта таъмирланиб, саноат касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Унга 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ҳозир кенг ва ёруғ хоналарда фарзандларимиз касб сирларини ўрганишмоқда. Т. Худоёров номидаги хўжаликда 300 ўринга мўлжалланган замонавий коллеж қурилиши давом этмоқда. Уни мустақиллик байрами арафасида ишга туширишни режалаштирганмиз.

Туманимиздан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кираётган ўқувчиларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, 1999 йили 1589 ўқувчи мактабни битирган бўлса, уларнинг 233 нафари олий, 214 нафари ўрта махсус ўқув юртига ўқишга киришга муяссар бўлди. Бу кўрсаткич 2000 йилда янада кўпайди.

Хуллас, таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларимизда ютуқлар кўп. Аммо, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳали бу борада қиладиган ишларимиз анчагина. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишимиз, ҳомийлик ёрдамларини кўпроқ жалб қилишимиз зарур. Ана шунда ютуқларимиз янада кўпайиши шубҳасиз.

Туманда очилаётган қўшма корхоналар дастгоҳларида ишлай оладиган, мустақил давлатимиз келажаги бўлган ёшларимизга алоҳида эътибор қаратганмиз. Маънавият соҳасида олиб бораётган изланишларимиз, иқтисодий ютуқларимиз юксак бўлиши учун ҳаракат қиламиз.

❑ **Суҳбатдош: Бахтиёр ҲАМИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХОРИЖДА

ВАҚТИНЧАЛИК БИТИМ

Индонезия мудофаа вазири Муҳаммад Маҳфуд мамлакат ҳукумати билан «Ачех озодлиги» ҳаракати ўртасида Женевада бўлиб ўтган тинчлик музокаралари самарали якунланганини маълум қилди.

Томонлар вақтинчалик ўқ отишни тўхтатиш борасида битимга эришди. Энди улар можаро сиёсий йўл билан ҳал қилиш чораларини кўради, деди вазир.

ТАБИАТ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Швейцария суғурта компанияси маълумотига қараганда, ўтган йили дунёда содир бўлган табиий офатлар туфайли 17 мингдан ортиқ одам қурбон бўлган. Унинг дунё иқтисодиётига келтирган зарари эса қарийб қирқ миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

САЙЁҲЛАР КЎПАЙМОҚДА

Хитой пойтахтига келувчи хорижий сайёҳлар сони тобора кўпаймоқда. Пекинда ўтган йили 2,8 миллиондан ортиқ сайёҳ меҳмон бўлди. Бу 1999 йилдагидан қарийб 12 фоиз кўп. Даромад эса 2,77 миллиард АҚШ долларига етди. Сайёҳлар орасида Америка ва европаликлар кўпчиликни ташкил қилди.



Қадимий Марсель порти

КЕЛАЖАК ТАҚДИРИ

БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ вакилининг билдиришича, Молдова болалар ўлимининг кўплиги жиҳатидан Европада энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Ушбу мамлакатда туғилаётган ҳар минг чақалоқдан ўн саккизтаси нобуд бўлмоқда. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасида бу кўрсаткич йигирма учтани ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлардир, деди ЮНИСЕФ вакили.

ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Финляндияда 2000 йилда уяли телефон абонентлари сони 3,7 миллионтага етди.

Хабарларга қараганда, ҳозир мамлакат аҳолисининг 73 фоизи уяли телефондан фойдаланади. Ўтган йили мамлакат бўйича 1,4 миллион дона уяли телефон сотилган. Бу аввалги йилдагидан ўттиз фоиз кўп.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2001 йил 14 февраль куни соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли:

* «КамАЗ-5320» русумли, давлат рақами 76-77 ТШП бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 430000 сўм.**

* «КамАЗ-5320» русумли, давлат рақами 90-28 ТШМ бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 257000 сўм.**

* «ЗИЛ-431412» русумли, давлат рақами 55-46 ТШП бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 451000 сўм.**

* «ГАЗ-5204» русумли, давлат рақами 93-03 ТШМ бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 337000 сўм.**

* «МАЗ-34323» русумли, давлат рақами 09-99 ТШР бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 606000 сўм.**

* «КАВЗ-3270» русумли, давлат рақами 30-49 ТШН бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 730000 сўм.**

* «ЗИЛ-45021» русумли, давлат рақами 57-00 ТШЛ бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 451000 сўм.**

* «РАФ-220302» русумли, давлат рақами 52-99 ТШП бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 127000 сўм.**

2. «Олмалиқ гўшт-сут савдо» ОТҲЖга қарашли: «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 73-04 ТША бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 330000 сўм.**

3. Бўстонлиқ тумани «Ғазалкент» соғломлаштириш марказига қарашли: «УАЗ-31514» русумли, давлат рақами 11 AD 681 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 176000 сўм.**

4. Тошкент вилояти ҳокимлигига қарашли: «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами йўқ, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 321000 сўм.**

5. Юқори Чирчиқ тумани «Ийк-Ота» жамоа хўжалигида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 5 та ер майдони. **Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 34800 сўм.**

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган кўчмас мулклар, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдода сотилиши мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9 ва 10-хоналар. Тел.: 132-00-37, факс: 133-49-31.

ЭРТАГА — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

МАРДЛИК ВА МАТОНАТНИ ХАЛҚ УЛУҒЛАЙДИ

КОМАНДИР ИБРАТИ

«Армиянинг асосини, ўзагини кичик командирлар ташкил этади»—деган эди саркардалардан бири. Зеро, аскарга энг яқин, жангда ҳам, тинч шароитда ҳам у билан доимо ёнма-ён юрадиган бошлиқ кичик командирлар. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилгандан кейин ўтган йиллар давомида юзлаб малакали, ўз ишининг устаси, фидойи, армияга, Ватанга садоқатли кичик командирлар авлоди вужудга келди. Бугун олис қишлоқ ёки шаҳардан ҳарбий хизматга келган, ҳали мўйлови сабза уриб улгурмаган ўсмирни ҳарбий хизматнинг қийин, мураккаб, баъзан хавфли шароитларига кўниктириш, унга нафақат ҳарбий таълим бериш, балки ота-она, Ватанга садоқат руҳини сингдириш, ҳарбий хизматни тугаллагач, катта ҳаётда дадил одим ташлаши учун керакли йўлланмани бериш кўп жиҳатдан кичик командирга боғлиқдир.

«Н» қисмнинг лейтенант Зайниддин Жангиров командирлик қилаётган миномётчилар батареяси ётоқхонасида бўлсангиз, бу ердаги саранжом-саришталик, озодалик, тартиб-интизомдан ҳайратланасиз. Аскарлар учун дам олиш хонасида рангли телевизор, ижтимоий-сиёсий ўқув хоналарида етарли адабиётлар муҳайё.

— Аскар бўш қолмаслиги керак, — дейди З. Жангиров. — Зеро, ҳарбий хизматга мириқиб ухлагани келмайдилар. Бу ерда онаватан ҳимоячилари қўлида қурол билан ёвга кўксини қалқон қилишга шай ўғлонлар хизмат қиладилар. Аскарлик ҳар бир йигит учун шарафли бурч.

— Лейтенантимиз қўл остидаги ҳар бир аскарнинг феъл-атворини яхши ўзлаштирган. Ҳар бири қалбига қандай йўл топишни яхши билади, — дейди кичик сержант Ринат Қодиров. — Батареядаги йигитлар уни ҳурмат қилиб, хизмат бурчини яхши ўташга ҳаракат қилишади.

Турли байрамлар, маросимларни кўнгилли ўтказишда ҳам Зайниддин Жангиров бош-қош.

— Қисмда Зайниддин Жангиров сингари зобитлар, аскарлар кўп, — дейди қўмондон ўринбосари, майор Мамарасул Хусаинов. — Лейтенант Фарҳод Мирзаев, оддий аскарлар Темур Абдуллаев, Пўлат Сафоевлар ана шулар жумласидандир.

Ҳарбий қисм биноси рўпарасидаги майдонда аскарлар шахдам, жанговар қўшиқ куйлаб ўтишмоқда. Улар орасида лейтенант Зайниддин Жангиров бошчилигидаги миномётчилар батареяси йигитлари ҳам бор. Аскарлар ўз командирларига ишонадилар, ҳар тарафлама унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Ҳа, шундай командирлар доим соғ бўлсин!

❑ **Алишер ИБОДИНОВ**

ПАРВОЗИ БАЛАНД ШУНҚОРЛАР

Биз қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Олим Жабборовга рўбарў келдик.

— Рухсат этинг, ўртоқ подполковник, — мурожаатдан командир сергакланиб, эътиборини бизга қаратди.

Биз ундан подполковник Жуманазар Жалилов ҳақида сўзлашини сўрадик: «1983-1987 йилларда Саратовдаги ҳарбий учувчилар тайёрловчи билим юртини тугаллаган, 1993 йилдан бери мазкур қисмда хизмат қилмоқда. У экипаж командирлигидан қисм командирлигигача бўлган йўлни босиб ўтган. Ёши 35 да. Қисқа маълумот шундай», — дейди подполковник.

Кейин бир воқеани эслади: навбатдаги ўқув машғулотлари давом этарди. Жанговар вертолёт ҳавога кўтарилди. Вазифа аниқ, бўлғуси командирларга вертолётнинг бир двигатели ишламай қолганда, ерга қандай қўниш технологиясини ўргатиш. Устоз — подполковник Жуманазар Жалилов. Ёш учувчилар унинг кўрсатмалари бўйича аниқ хатти-ҳаракат қилаётгани, ишонч ва қатъият билан вазифани бажараётганидан командирнинг кўнгли таскин топарди.

«Мустақиллик қалдирғочлари, ўзимизнинг Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг битирувчилари», дея ғурурланади у. Кўрсатмалар беришда давом этади. Чунки, муҳими олдинда. Вертолёт учиб бораётиб, сунъий равишда битта двигатели ўчирилиши ва шу аснода ерга қўндирилиши лозим. Аксига олиб, ростданам жанговар вертолётнинг бир двигатели ишламай қолса, бўладими. Кўпни кўрган, тажрибали зобит Жалиловнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Совуққонлик, босиқлик билан буйруқ ва кўрсатмалар беришда давом этди. Экипаж муваффақият билан ерга қўнди. «Баракалла, шунқорлар!». Командир ёш учувчиларни муваффақият билан табриклар экан бахтиёр эди.

Ҳа, юртимиз, халқимиз тинчлигига хавф туғилганда ҳарбийларимизнинг бурчига, содиқлик билан ёндашгани ва ҳар қандай тажовузни бартараф этишга шай туришгани эътиборга лойиқ. Сариосиё ва Узун туманларида, Тошкент вилоятида диний экстремистик ва халқаро террорчилар томонидан истиқлолимизга, тинчлигимизга раҳна солишга бўлган уринишларни бартараф этишда ҳам ана шу жамоа ҳарбийлари ҳам фаол қатнашишди.

Айтганча, газетага илғорларимиз ҳақида ёзмоқчи бўлсангиз, биринчи тоифали учувчи подполковник Олим Эрматов, майор Рашид Тожимов, капитанлар Аҳмад Бурҳонов, Солижон Амруллаев, лейтенант Николай Елисеевларнинг хизматларини таъкидлаб ўтинг, деди Жалилов.

❑ **Катта лейтенант Алижон САФАРОВ**

ЧЕГАРА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

Қўрқоқлар чегарачи бўлолмайдилар. Бу эски ақиданинг нақадар чин ҳақиқат эканлигига ҳарбий хизмат давомида қатъий ишонч ҳосил қилдим. Зеро, баланд, қорли тоғлар оралиқларида Ватан сарҳадларини қўриқлаш учун, аввало, юртга чексиз садоқат, кейин эса ҳарбий ишнинг қуролсиз қуролсизлантириш, отишмасиз қўлга олиш, қўл жанги, нишонга бехато уриш каби сир-саноатлари пухта эгалланиши даркор.

Кичик лейтенант У. Мамадалиев, капитан А. Узоқов ва бошқа командирлар, қуролдош дўстлар кўмагида ҳарбий ва жанговар тайёргарлик бўйича кўп нарсаларни ўргандим.

Чегарани зийраклик билан қўриқлар эканмиз, ортимизда ота-она, ака-ука, опа-сингил, дўст-биродарлар, азиз Ватанимиз — жонажон Ўзбекистон турганлигини ҳар дақиқа ҳис қиламиз. Олис Бухородаги ота-онам, опам, укаларим ҳамиша кўз ўнгимда туради ва улар доимо мени сергакликка, ҳушёрликка чорлаётгандай туюлади. Мен эса ўзимга, «ташвиш тортманг, азизларим, чегараларни асл фарзандларингиз қўриқлаяпти. Сизлар бехавотир, тинч ижодий меҳнат қилаверинглар» — деб кўнглимга туяман...

❑ **Кичик сержант Бобур БАҚОЕВ, «Жасорат» медали совриндори, «Н» қисм.**



Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари жанубий сарҳадларини қўриқлаётган ўғлонлар ҳам ўз муқаддас бурчларига содиқ марду майдонлардир. Улар ўз зиммаларига нақадар қийин ва шарафли вазифа юклатилганлигини яхши биладилар. Постда турган чегарачилар киприк қоқмасдан, ўз ҳудудларини кузатишади; изғиринли қиш чилласидами, қоронғу тундами, улар доимо ҳушёр.

Чегара қўшинлари зобитлари ва аскарларига республика Президенти Фармони билан Ватаннинг юксак мукофотлари берилган рўйхатни кўздан кечирар эканмиз, тўғриси, вужудимизни фахр-ифтихор туйғулари қамраб, қувончдан кўзларимизга ёш қалқади. Мукофотланган жасоратли ўғлонларнинг рўйхати бу қадар кўплигини кўриб, Ватан сарҳадлари ишончли, садоқатли ўғлонлар қўлида эканлигига шукроналар келтирдик.

Умуман, чегара қўшинлари таркибидаги қисмларнинг 100 нафардан ошиқ чегарачилари мардлик ва жасоратлари учун орден ва медалларга сазовор бўлдилар.

Аскарларнинг классик ва замонавий кураш, яккамаякка жанг усулларини ўрганишлари учун қисмларда барча шароитлар, зарур жиҳоз ва машқ майдонлари мавжуд. Айниқса, чегарачилар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишлари аъло даражада йўлга қўйилган. Айни пайтда спортнинг барча турлари бўйича чегарачилар ўртасидаги биринчилик учун мусобақалар якуний босқичга ўтди.

— Чегарачиларни ватанпарварлик, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда турли тадбирлар катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, «Аскар қўшиқлари» кўрик-танловида чегарачилар ғолиб бўлишди. Юксак даражада жиҳозланган «Маънавият ва маърифат» марказларида Президент асарлари, бадиий китоблар юзасидан ўқувлар, мунозаралар ўтказилади. Мамлакатимиз ва чет элларга оид энг сўнгги янгиликлар маълум қилиб борилади.

Чегара қўшинларида хизмат қилаётган ёшлар юртимизнинг турли вилоятларидан келишган. Уларнинг ота-оналари ҳам вақти-вақти билан келиб туришади. Айниқса, вилоятлардан чегарачилар билан учрашиш учун жўнатилаётган махсус вакиллар гуруҳларининг келишлари, бўлинмаларда турли тадбирларнинг ўтказилиши, ўзбекона ошхўрликлар уюштиришлари аскарларимизнинг кайфиятини чоғ қилади, — дейди чегара қўшинлари штаби бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, полковник Қаюм Жумаев. — Бундан ташқари, вилоятимизнинг кўплаб мактаб ва ўқув юртлари талабалари ўқув марказларига келиб чегарачилар билан учрашадилар, машғулотларни кузатадилар, ҳатто жанговар қуроллардан отиб кўрадилар. Бундай шароит ёшлар қалбида ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини оширади.

Полковник билан суҳбатимиз асосида вилоят касаба уюшмалари қўмитаси раиси Абдукарим Аҳмедов ва бошқалар қўнғироқ қилиб тажрибали ҳарбий Қаюм акани ва барча чегарачиларни байрам билан табриклашди. Камтарона байрам совғаларини 14 январь куни чегарачиларга топширмоқчи эканликларини билдиришди.

